



ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВ

М.Мамталиева

Oriental universiteti "Boshlang'ich ta'lim" kafedراسi o'qituvchisi

Анотация: Ушбу мақолада бола тарбиясига психологик ёндашув ҳақида фикр юритилиб ва тарбияга инновацион ёндашув усуллари кўрсатилган.

Калит сўзлар: Тарбия психологияси, психологик механизмлар, ёш, жинсий ва индивидуал типологик хусусиятлар, психологик компонентлар, тафаккур, ўқув фаолияти, кўникма, малакалар

Инсоният мавжудлигининг муҳим шартларидан бири - бола тарбияси ҳисобланганлиги боис, у дунёга келмасидан олдин тарбиявий тадбирлар бошлаб юборилади. Бу борада ота-оналарнинг болаларга нисбатан бўлган муносабатининг икки асосий хусусияти, яъни ота-оналик муҳаббати ва ижтимоий бурч нуктаи назаридан белгиланади. Инсонпарвар жамиятда бу хусусиятлар бир-бирига зид келмайди. Оилада соғлом муҳитни юксалтириш, аждодларимизнинг оила масаласидаги қадриятларини тарғиб қилиш мақсадида юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг маънавий оламига эътибор қаратилиб, келажакда яхши мутахассис бўлиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши кабилар юзасидан жамият ҳаётида ёшларга оид ижобий ишлар амалга оширилмокда.

Жамиятимизда ёшлар психик тараққиётида ҳал этиш зарур бўлган миллий психологик муаммолар мавжудки, мазмунан уларни бартараф этишга эътибор берилсада, ёшлар тарбиясига оид салбий ҳолатлар, камчиликлар, ижтимоий муносабатлар тизимида низоли вазиятлар учраб турибди. Таъкидлаш жоизки, барча мамлакатларда бўлгани каби бизнинг юртимизда ёшларимиз орасида ҳам тарбияси оғир ва ноқобил фарзандлар мавжуд бўлиб, жамиятимизда уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, улар билан ишлаш азалдан долзарб муаммолардан бири ҳисобланиб келади. Маълумки, болаларнинг психик жиҳатдан ўсиши ва ривожланиши, ҳаётнинг ҳамма босқичларида турлича бўлиб, уларнинг ёш хусусиятлари ва ҳаёт тажрибаларига қараб ўзгариб боради. Ҳар бир ота-она, ўқитувчи-тарбиячилар болага таълим-тарбия бериш жараёнида боланинг психик хусусиятларини яхши билган ҳолда амалий ҳаётда бу ишга тўғри ёндашишлари мақсадга мувофиқдир. Аксинча, тарбиявий ишдаги эътиборсизлик, салбий муҳит, зиддиятлар, тарбия қоида ва усулларига тўғри



амал қилмаслик, ёхуд яхши билмаслик, ота-оналарнинг ўз фарзандларига доимий равишда кўрслик билан муносабатда бўлишлари ёшлар орасида тарбияси "қийин" болаларнинг ортиб боришига сабаб бўлмокда. Психология фанида тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлаш ўтган даврларда ҳам муаммоларга бой бўлган ва ҳозирги кунда бу муаммоларнинг барчасига ечим топилганича йўқ. Тарбияси «қийин»лик ва у билан боғлиқ хулқ бузилишларининг вужудга келиш жараёнини психолог олимлар Э.Фромм, Г.Кайзер, Б.Холист, Г.Шнайдер, Н.П.Дубинин, В.Н.Кудрявцев, М.И.Буянов, П.Б.Ганушкин каби психолог олимлар ўрганиб чиққанлар. Уларнинг фикрига кўра қайд этилган хулқ бузилишларининг асосини ижтимоий ва психологик дезадаптацияга олиб келувчи оғишлар ташкил этади. Бу, биринчидан, ўсмир шахсининг мотивацион, эмоционал, иродавий ва ахлоқий жабҳаларидаги ўзгаришларга боғлиқ эканлиги (Г.Г.Бочкарева, В.В.Лебединский, Л.С.Славина, А.С.Спиваковская); иккинчидан, носоғлом оилавий тарбия таъсири эканлиги А.А.Аладьин, П.Ф.Лестгафт, А.Е.Личко, Э.Г.Эйдемиллер, В.В.Юстицкий, Д.Муҳаммедоваларнинг қараш ва изланишларида ўз исботини топган. Ўсмирлик ёшига хос ёрқин психологик концепциялардан бири XX асрнинг бошларида Л.С.Виготский (1930) томонидан яратилган маданий-тарихий назария бўлиб, унда мазкур ёш симптоматикаси ўсмир психологиясидаги барқарор ва тарихий ўзгарувчанлик, унинг феноменларига оид илмий концепсияларнинг интерпретацияси берилган. Л.С.Виготскийнинг фикрича, тарбияси «қийин» ўсмир ҳаёти муносабатлар характерининг натижасидир. Булар аввало қайсар, инжиқ болалар бўлиб, уларни қизиқарли фаолият турига тортиш уларни тарбиялашнинг асосий усулларида бири ҳисобланади. Бугунги кунгача тарбияси қийин ўсмирларнинг салбий хусусиятлари, уларни бартараф этиш, улар билан индивидуал муносабатда бўлиш йўл - усуллари кўпгина олимлар (Н.П.Дубинин, Б.Ф.Сергейев, Л.С.Виготский ва бошқалар) томонидан ўрганилган. Ўсмирлик психологиясига хос бўлган тарбияси "қийин" болаларнинг келиб чиқишининг педагогик омилларини ўрганиш, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ҳамда тарбияси "қийин" ўсмирларнинг педагогик хусусиятларини таҳлил қилишдан иборатдир. Тадқиқот предмети умумий ўрта таълим мактабларида тарбияси қийин ўсмирлар ва улар билан ишлаш. Ёшлар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг муваффақияти уларнинг ёш ва психологик хусусиятларини билиш ҳамда ҳисобга олишга боғлиқдир. Бу муаммо тўғридан-тўғри таълим-тарбия асосида ҳал этилар экан, биз бугун



тадқиқотимиз орқали тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлаш давомида уларнинг характери, қизиқишларига хос хусусиятларни эътиборга олиш, муомалада ниҳоятда эҳтиёткорлик, уларнинг рухиятидаги ўзгаришлар натижасида келиб чиқадиган муаммоларни қандай усуллар билан бартараф этиш, ёш ва психик хусусиятларини билиш, аввало, болада айни иллатларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни баён этамиз. Тадқиқотнинг объекти сифатида Асака туманидаги шаҳридаги 34,54,55- 56 умумий ўрта таълим мактабларининг ўсмир ёшли болалар жамоалари белгиланди. Мактабнинг маънавий-ахлоқий тарбиявий ишлар мазмунини ўрганиш жараёнида ўсмир болалар психологияси педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, суҳбат, сўровнома, анкета, тест усуллари асосида таҳлил қилиб ўрганилди. Тадқиқотимиз жараёнида болалар жамоасидаги тарбиясида қусури бор, хулқ-атворида салбий иллатларга мойил, ижтимоий меъёрларни қабул қилолмаслик хоҳиши, хатти-ҳаракатларини назорат қила олмайдиган болаларни учратдик. Уларни табиатан шундай хулқ-атворга эга деб, эътибордан четда қолдириш ёки чора-тадбирлар ишлаб чиқмаслик жамият учун каттадан-катта йўқотишларга олиб келишига амин бўлдик. Шу боисдан тарбияси ва хулқ-атворида ўзгариши бўлган болаларга ёрдам кўрсатиш, аввало бу ҳолатларнинг олдини олиш масаласи тадқиқотимизнинг долзарб вазифаси этиб белгиланди. Бизнинг бугунги вазифамиз ва асосий эътиборимиз тарбияси қийин болаларда бир қатор ўзига хос типик иллатларни ўрганиш орқали бундай ўсмирларни тарбиялашда улар билан индивидуал муносабатда бўлиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги боис ҳар бир ёшни индивидуаллигининг физиологик-психологик асосини ўрганиш ва билиш орқали психолог, социолог, тарбиячи, педагог, қолаверса барча ота-оналар томонидан таълим-тарбиявий ишларни интизомли ҳал этиш масаласига оид психологик маслаҳатлар, усулларни тавсия этиш ва жорий этишдир. Буни амалда қўллаш учун ҳар бир киши хоҳ ўқитувчи-мураббий, ёхуд ота-она булмасин тарбияда инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиши, ҳар бир бола, ўсмирларнинг бетақрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини ҳисобга олиш лозим бўлади. Шунингдек ёшларни инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашда муқаддас китоб Қуръони Карим, Ҳадиси шариф, миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш жуда муҳим ҳисобланади. Оилада болаларни тарбиялаш жараёни ўз-ўзини тарбиялаш билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак. Шундагина ўз-ўзини тарбиялаш тўғри тарбия бериш билан бирга



уйғунлашади ва ижобий натижа бера олади, аксинча бола тарбиясидаги айрим камчиликлар яққол сезила бошлайди. Ўз-ўзини тарбиялашнинг муваффақиятли бўлиши учун бола ўз-ўзини тўғри баҳолай билишга ўрганиши, ҳаётда ўзи интилиши лозим бўлган идеални аниқ тушунган ҳолда ўзидаги ижобий сифатларни ва мавжуд камчиликларни кўра олиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир кишининг ўзига хос, маълум қонун-қоидалари бўлганидек, бола тарбиясининг ҳам ўзига хос муҳим қонун-қоидалари борки, уларга амал қилиш тарбия ишининг самарали бўлишини таъминлайди. Чунки тарбияда бу қоида ва усулларни амалда тўғри қўллай олишимиз, тарбия шакл (тур)лари орқали ҳар томонлама маънавий ривожланган баркамол шахсни шакллантириш мақсадига эриша оламиз. Маънавий, инсоний сифатларнинг шаклланишида оиладаги, атрофдаги, жамиятдаги муҳит ва болаларга бўлган муносабат муҳим роль ўйнайди. Ота-оналаримиз ва атрофдагиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини кўрган бола шунга қараб шакллана боради. Улар аввал катталарга тақлид қиладилар. Сўнг аста-секин қилаётган ишларининг моҳиятини англайдилар. Бу борада тарбиячилар, шунингдек ота-оналар болаларни кичик ёшдан бошлаб ўзини ўзи эплаш, тута билиш, одамлар билан қай йўсинда муомала қилиш, рост сўзлаш, катталарга ҳурматда бўлиш, ўзидан кичикларга меҳрибонлик кўрсатиш кабиларга ўргатиб, одатлантириб боришлари лозим. Ўсмирлик даври тарбия учун анча қийин давр ҳисобланади. Чунки боланинг катта одамга айланиши жараёнининг ўзи қийин, бу жараён психиканинг, одамлар билан бўлган муносабат шакллариининг жиддий равишда қайта ўзгариши ҳамда ҳаёт шароити ва фаолиятининг ўзгариши билан боғлиқдир. Аввал болалар ота-оналари, тарбиячиларининг ахлоқ-одоб ҳақидаги гапларини бажонидил эшитган бўлсалар, ўсмирликда бундай таъсир болани зериктиради ёки ёқмай қолади. Балоғатга етиш ўсмирларда ўзига хос психологик ҳолатни вужудга келтиради, яъни кишиларнинг ички дунёсига, уларнинг ўзаро муносабатларига қизиқиш, уларни ҳис қилиш ва ҳали аниқ тасаввур қилинмаган севгига эҳтиёж пайдо бўла бошлайди. Бу эса шу даврга хос бўлган "қийинчилик"ларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Бизда ўсмирнинг ҳаёт шароити, унга бериладиган таълим-тарбия ва унинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш орқали қийинчиликлар бартараф қилинади. Лекин, афсуски, баъзан ёшларимиз орасида тарбияси "қийин" бўлган, "қийин тарбияланувчи" ёшлар ҳам учраб туради. Болани "тарбияси қийин" ҳолатга олиб келувчи ягона сабаб йўқ.



Тадқиқотларимиз ва ҳаётий кузатув тажрибаларимизга асосланадиган бўлсак, тарбияси қийин, инжиқ, хулқи салбий болаларнинг келиб чиқишининг ижтимоий сабабларидан ташқари педагогик ва психологик сабаблари ҳам мавжуд. Шахснинг биологик ўсишидаги нуқсонлар, сезги органларидаги камчиликлар, ироданинг бўшлиги, ўқишга салбий таъсир этувчи олий асаб фаолияти ва темпераментдаги қусурлар тарбияси қийин болаларни келтириб чиқаради. Шунингдек, мактабдан ташқари муҳитнинг таъсиридаги нуқсонлар, чунончи оилада педагогик-психологик билимларнинг етишмаслиги, оилавий низолар, ажралиш, ота-онанинг ичкиликка ва шаҳвоний ҳаётга берилиши, балоғатга етмаган тенгқурларининг таъсири ҳамда жамоатчилик қуршовидаги камчиликлар тарбияси қийин ўсмирлар кўпайишига сабаб бўлади. Кўпинча тартиб бузарлар қилмишларига тавба килиб, синф жамоасини ишонтирадилар, лекин маълум фурсат ўтгандан сўнг берган ваъдаларини бутунлай унутадилар. Тарбияси қийин бўлишига яна бир сабаб - бу боланинг оилавий, жамоатчилик тарбиясининг яхши йўлга қўйилмаганлигидир. Оилада бола тарбиясини яхши йўлга қўймаслик, тарбияда оила ва мактаб ҳамкорлигининг йўқлиги, меҳнат тарбиясини яхши йўлга қўймаслик, таълим-тарбия жараёнини боланинг ёшига мос, индивидуал хусусиятларга қараб ташкил этмаслик, таълим жараёнига болани қизиқтирмаслик, уларда фикр юритиш жараёнларини фаоллаштиришга эътибор бермаслик кабилар оқибатида келиб чиқадиган қийинчиликлардир. Оилавий шароит, муҳитнинг салбий таъсири яъни оиладаги жанжаллар, эр-хотин орасидаги низоли ҳолатлар, ичкиликбозлик, оилавий турмушга, бола тарбиясига эътиборсизлик, ёки болани ҳаддан ташқари эркалатиб юбориш, айтганини килиш, инжикликларини "кўтариш", боланинг хатти-ҳаракатларини назорат қилмаслик, керагидан ортик пул билан таъминлаш ҳам болани инжиқ, қайсар, ўжар, интизомсиз, ахлоқсиз бўлиб қолиши учун имкон беради. Ўсмир ёшда уларга ота-она ҳам, ўқитувчи ҳам, ҳатто махалла, кўни-кўшнилар ҳам жуда эътиборли бўлишлари керак. Тарбияси "қийин" болалар билан индивидуал муносабатда бўлганда эҳтиёткорлик муҳим. Бундай ёшларни тарбиялаш (жамоа орасида тарбияланганда ҳам) да фақат уларга яккама-якка ёндашиш лозим. Чунки улар жамоа ёки кўпчилик орасида ўзларини айбларини ошкор бўлишини ёки тарбия, танбех бераётган кишининг насиҳат ёки кўрсатмаларига бўйсунини ёқтирмайдилар. Улар билан муомалада ниҳоятда эҳтиёткорлик, самимийлик, дўстона муносабатда бўлишига талаб килинади. Оилада ота ёки онадан бирининг ёки уларни



иккаласининг ҳам йўқлиги болага кучли эмоционал йўқотиш сифатида таъсир кўрсатади. Айнан болалар хулқ-атвориға кучли таъсир кўрсатувчи омил бу ота-она ва оила аъзоларининг таъсири экан, ўсмир учун ота-онанинг ўрни беқиёсдир. Шу боисдан, болалар ва ўсмирларнинг ота-оналари бағрида бўлишини таъминлаш, уларнинг тарбиявий таъсир кўрсатиш даражасини ошириш вояға етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, тинч-тотув яшайдиганларнинг оилаларидаги болалар ҳам шу оилада мавжуд бўлган ахлокий хислатлар - хушмуоамалалик, одоблилик, катталарға ҳурмат, кичикларға ғамхўрлик қилиш, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат каби ижобий фазилатлардан намуна оладилар.

Хулоса.

Болани тарбиясидаги содир бўлаётган салбий ўзгаришларни ўрганиб чиқиш ва тарбияси "қийин" болаларнинг психологик ривожланишини меъёрлаштиришға йўналтирилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадға мувофиқ. Шунингдек, тарбия тизимида ёшларни салбий одатлардан ҳалос этиш, ахлокий фазилатли бўлиб камол топишида оилавий тарбиядаги асосий кўмакчи, шахсий ўрнатма ва намуна бўла олиш ўқитувчи-тарбиячиларнинг педагогик муносабат ва маҳоратларига бевосита боғлиқдир. Айнан ёшлар тарбиясида характерли томонлардан бири сифатида тарбиявий ишлар самарадорлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳам педагогик маҳоратдир. Бунинг учун тарбиячининг педагогик маҳорати меҳрибон болалар ҳамкорлигида, ўқув-тарбия жараёнидаги фаол ҳамкорлиги, болаларнинг кайғу-ҳасрати, ғами ва омадсизлигига ҳамдард бўлишида, муомала маданиятида, ўқитувчининг рухий ҳолатида (самимийлик, хайрихоҳлиги, олийжаноблиги) ҳамда жамоа билан ишлашда вазиятни ижобий томонға санъаткорона йўналтиришда намоён бўлади. Демак, тарбия инсон учун кураш демақдир. Боланинг қандай бўлиши - бу шахсий иш бўлмай, балки жамоатчиликни қизиқтирган муаммодир. Шу боисдан, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги болалар тарбиясида асосий ҳал килувчи бўғин бўлиб, бунда тарбиячиларнинг бир мақсадға йўналтирилган тарбиявий ишлари муаммони ижобий ҳал этувчи омил ҳисобланади. Оилавий тарбияға доир ишлар қуйидаги шароитларда бажарилса, бола тарбиясидаги бузилишларнинг олди олинади ҳамда тарбия самарадорлиги янада ошади:

1. Аввало оиладаги соғлом муҳит, тарбия бирдамлиги, соф миллий тарбия анъаналарига таяниш зарур.



2. Мактаб ўзининг барча таъсирлари мажмуини оилавий тарбия жараёнига изчил йўналтириш керак.

2. Ўқитувчилар жамоаси оила билан ўзаро ҳамкорлиги даврида ўзларининг ахлоқий-педагогик тарбиявий талабларини тўғри ташкил этиш.

3. Тарбияси қийин болага алоҳида муносабат, эътибор ва индивидуал ёндашув зарур. Айниқса, унинг яқинлари томонидан уларга нисбатан қўлланилаётган қаттиққўл, қўпол ва адолатсиз муносабатларига барҳам бериш.

Тавсиялар. Олиб борилган тадқиқотнинг натижа ва хулосаларига асосан қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди ва тақдим этилмоқда:

1. Болалар ва ўсмирларнинг мактабдан кейинги бўш вақтларини назорат қилиш ва улардан унумли фойдаланишни ташкил этиш.

2. Психолог, социолог, педагог, эндикринолог, невропотолог, психиатр ва ҳуқуқшуносларнинг оммавий ахборот воситаларида вояга етмаганлар қонунбузарликлари ва уларнинг олдини олиш, жиноятчилик хулки психологияси, болалар ва ўсмирлар психологияси каби мавзуларда эшиттиришлар, кўрсатувлар ва мақолалар билан чиқишларини ташкил этиш.

2. Таълим масканларидаги тарбиявий жараёнга ташкилотчи ота-оналар, жамиятдаги илғор ва етук шахслар (шоир, ёзувчи, арбоб, спорт фахрийлари) билан учрашувларни уюштириш.

3. Болалар ва ўсмирларни фанга, касбга бўлган қизиқишларини ошириш ҳамда уларнинг олдига қўйилган вазифаларни бажаришда эришган ютуқларини рағбатлантириб бориш.

4. Оила ва мактабгача тарбия муассасаларида ёшларни тарбиялашда, айниқса меҳнат тарбиясига асосий эътибор қаратиш ва ижтимоий фойдали меҳнат (ўйин-топшириклар)га йўналтириш.

5. Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишловчи ходимларнинг психологик билимларини ва малакаларини ошириш.

6. Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишловчи ходимлар учун махсус адабиётлар ва усуллар ишлаб чиқиш.

7. Бу соҳара педагогик мойиллиги мавжуд ва болалар билан ишлашни ёқтирадиган ходимларни ишга қабул қилиш.



АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Б.М.Умаров Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари. Монография. - Тошкент, "а" нашриёти - 2008,
2. М.Г.Давлетшин, Ш.Дўстмухамедова, М.Мавлонов. Ёш ва педагогик психология -Т."Ўқитувчи", 2007.
3. А.К.Мунавваров.Оила психологияси. - Т.: "Ўқитувчи", 1997.
4. М.Г.Давлетшин ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология: Ўқув методик қўлланма. - Т."Ўқитувчи", 2004.
- 5.В.М. Каримова Муроса қилиш маданияти. Т.Фан ва технологиялар", 2008.
- 6.Ғ. Шоумаров, Б.М.Умаров. Ёшларда хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг олдини олиш бўйича психологик маслаҳатлар. – Т. 2015.
- 7.Гафаров А.З., Югай А.Х. Педагогик амалиёт. Тошкент, 2002.
- 8.Давлетшин М.Г., Туйчиева С.М. Умумий психология. Тошкент, 2002. 59
- 9.Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчиси психологияси. - Тошкент 1998.
10. Хербаква А.И.. Ёш психологияси ва педагогик психологиядан практикум. Тошкент, 1991.
11. Психология. Кискача изохли лугат. Тошкент, 1998
12. Ғозиев Э.Г. Психология. Тошкент, 1994.
13. Радугина А.А., Психология и педагогика. М., 1999
14. Немов Р.С. Психология. книга 2. М., 2000
15. Выготский Л.С. Педагогическая психология. м., 1991
16. Зимняя И.А., Педагогическая психология. М.: Логос. 2003, 384 с.
17. "Педагогическая психология" Учебник/ Под ред. Н.В.Клюевой.-М.: ВладосПресс. 2003.-400с.
18. Слостенин В.А., Исаев И.Ф., Михенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика. Уч.пос. М.: "Школьная Пресса" 2003
19. Психология и педагогика. Под редакцией А.А.Радугина. Изд."Центр"2003
20. Немов Р.С. Психология образования. Книга 2. М.: "Владос" 2003
21. Пронина Е.Н.,Лукашевич В.В. Психология и педагогика. Уч.для вуз. М.:"Элит" 2004 Интернет бўйича:
22. www.psychology-online.net/docs/practicum1.html
23. www.pomorsu.ru/Departments/Social/ps/ped_